



№50 (903)  
2025 йил 17 июнь,  
сешанба

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy  
gazeta

## СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

### ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ҚОЗОҒИСТОНДА БЎЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан “Марказий Осиё – Хитой” форматдаги иккинчи саммитда иштирок этиш учун 17 июнь кuni амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлади.**

Тадбирда минтақа давлатлари раҳбарлари ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин иштирок этади. Сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилади. Якунда қўшма ҳужжатлар қабул қилиниши кўзда тутилган.

Саммит доирасида Ўзбекистон Президенти Хитой Раиси билан икки томонлама учрашув ҳам ўтказилади. Таъкидлаш жоизки, бу форматдаги биринчи саммит Марказий Осиё давлатлари ва Хитой ўртасидаги шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида 2023 йил май ойида Хитойнинг Сиань шаҳрида бўлиб ўтган эди.

ЎЗА

### ҚУРИЛИШ ВА ТРАНСПОРТ ЛОЙИХАЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида режалаштирилган қурилиш ва жамоат транспорти лойиҳалари тақдими билан танишди.**

Сўнгги йилларда изчил ошган инвестициявий жозибдорлик туфайли пойтахтимизда бунёдкорлик суръати жадал қилди. Кўп қаватли уй-жойлар, меҳмонхоналар, бизнес марказлари, маданият ва спорт мажмуалари шаҳар имкониятларини кенгайтирмоқда. Янги Тошкент қурилиши ҳам бошланиб, иккиси замонавий мегаполисга айланмоқда.

Узоқ йиллар хизмат қиладиган бундай ишларда, албатта, сифат жуда муҳим. 13 май кuni шу масала бўйича йиғилиш ўтказилган эди. Давлатимиз раҳбари қурилишда сифат ва хавфсизлик биринчи ўринда эканини таъкидлаб, бу йўналишларни илмий ривожлантириш, соҳага замонавий ёндашувларни жорий этиш бўйича кўрсатмалар берганди.

Бугунги тақдиротда шу борада бажариладиган ишлар ҳақида ахборот берилди. Тошхирриққа биноан, янги лойиҳалаштирилган кўп қаватли биноларнинг хавфсизлик талабларига мослиги қайта ўрганиб чиқилган. “ЎЗГАШКЛИТИ”, Фанлар академияси Сейсмология институти, фавқулодда вазиятлар бошқармаси, санитария-эпидемиология каби 10 га яқин ташкилотнинг илмий-техник хулосалари олинган. Янги талабга кўра, кўп қаватли биноларнинг зилзилага бардошлилиги 9 баллдан кам бўлмайди. Ҳар бир шундай лойиҳа бўйича йиғма хулосалар қилинади.

Осмонўпар иншоотлар, янги мажмуалар кўпайгани сари уларга барқарор электр энергияси ҳам зарур. Шу боис Чилонзор туманида 160 мегаваттлик янги подстанция қурилиши режалаштирилган. Бу орқали шу ҳудуддаги бўлажак лойиҳалар учун қўшимча қувват пайдо бўлади, хозирги тармоқларга юклама тушмайди.

Шунингдек, ушбу туманда 20 минг метр куб сигимга эга сув резервуари барпо этилиши мўлжалланган. Натижада Шайхонтоҳур, Чилонзор ва Учтепа туманларида ичимлик суви таъминоти узлуксизлиги таъминланади.

Кунига қарийб 8 минг киловатт соат электр тежалди.

Тошкент шаҳри кўплаб ишбилармонлик тадбирлари, форум ва кўргазмаларга мезбонлик қилмоқда. Шундай жойлардан бири Central Asian Expo Uzbekistan – САЕх мажмуаси. Халқаро анжуманлар доирасида турли учрашувлар ҳам ўтказилишини инобатга олиб, бу ерда музокара зарфлари қурилиши кўзда тутилган.

Шаҳар жозибдорлигининг яна бир муҳим омил – қулай жамоат транспорти. Пойтахтимизда ҳам автобус, ҳам метрополитен йўналишлари изчил кенгайтириб борилмоқда.

Аввал хабар қилинганидек, метрополитенни Тошкент трактор заводи даҳасига олиб бориш режалаштирилган. Бунга 2 босқичда амалга ошириш назарда тутилмоқда. Биринчи босқичда Чилонзор йўлининг Пушкин бекатидан Тошкент ҳалқа йўлигача ер юзаси бўйлаб метро йўли қурилади. Иккинчи босқичда у ердан Тошкент трактор заводи даҳасининг шох бекатигача ерости йўли барпо этилади.

Шунингдек, транспортлар ҳаракати қулайлик яратиш мақсадида мазкур темир йўли Тошкент ҳалқа йўли остидан ўтказиш назарда тутилмоқда. Ерости йўналиши ҳам кўчадаги ҳаракатни тўхтатмаган ҳолда қурилади. Бу янги метро йўли 85 минг йўловчини қамраб олиши кўтилмоқда.

Ушбу соҳадаги яна бир истиқболли лойиҳа – Янги Тошкент шаҳрига метро йўлидир. У ҳозирги “Дўстлик” метро бекатидан бошланиб, янги марказга боради. Узунлиги 21 километр, 9 та бекатдан иборат бўлиши кўтилаётган бу метро кунига 230 минггача йўловчиларни қамраб олади.

Тақдиротда ушбу лойиҳаларнинг техник-иқтисодий жиҳатлари кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари қурилиш сифати ва маданиятини ошириш, одамларга қулай шароитлар яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

### ЯНГИ ФУТБОЛ АКАДЕМИЯСИ ИШ БОШЛАДИ



2-бет

### ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

**“Янги Тошкент” шаҳрини барпо этиш дирекцияси директори Давронжон Адилов ҳамда China State Construction Engineering Corporation бошқарув раиси Зхэнг Хуехуан ўртасида учрашув бўлиб ўтди.**



Унда Ўзбекистон Давлат санъат музейини барпо этиш бўйича ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Учрашув давомида музей лойиҳасининг архитектура концепцияси, экологик ёндашувлар ҳамда халқаро тажриба асосида барпо этилиши юзасидан фикр алмашилди.

**Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ходимлари учун Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий Кенгашининг 2025 йил 25 мартдаги 1-сон баёни ижросини таъминлаш мақсадида “Ахборот олиш, қайта ишлаш ва тарқатишнинг ҳуқуқий асослари” мавзусида илмий-амалий ўқув семинари ташкил этилди.**



Ўқув семинарида вилоят прокуратураси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар, Адлия бошқармаларининг масъул ходимлари спикер сифатида қатнашди. Семинарда коррупциянинг олдини олиш борасида жамоатчилик билан ҳамкорлик натижалари, коррупциянинг ҳуқуқий оқибатлари ва жавобгарлик масалалари хусусида тақдиротлар қилинди.



**Ўзбекистон Қурувчилари ассоциациясида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги мутасаддилари, лойиҳачилар ҳамда соҳа вакиллари иштирокида қурилиш лойиҳаларини келишиш ва маъқуллаш жараёнларини такомиллаштириш бўйича очиқ мулоқот бўлиб ўтди.**

Мулоқотда шаҳарсозлик кенгаши фаолиятини соддалаштириш, лойиҳачилар билан ишлаш тизимини мақбуллаштириш ва амалий ёндашувларни шакллантириш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, лойиҳавий ҳужжатларни келишиш ва маъқуллаш жараёнларини соддалаштириш ҳамда ортиқча босқичларни қисқартириш, замон талабларидан келиб чиқиб, бино-иншоотларга нисбатан инсоляция меъёрларини қайта кўриб чиқиш, автотураргоҳ жамини ҳисоблашда янги ёндашувларни жорий этиш, ободонлаштириш ва яшил ҳудудларга оид талабларни такомиллаштириш бўйича тақдиротлар билдирилди.



**Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан ўтказилган назорат тадбирлари давомида бир қатор лойиҳа талабларига зид ҳолатлар аниқланди.**

Жумладан, Фарғона туманидаги “Янги Ўзбекистон” массивида қурилатган кўп қаватли бинода олиб борилган мониторинг жараёнида колонна армоқаркаслари лойиҳавий талабларга мувофиқ бажарилмагани, ишчилар махсус кийим-бош билан таъминланмагани маълум бўлди. Учкўприк тумани Богубўстон маҳалласидаги бошқа бир кўп қаватли уйда эса, ички деворларни газоблокдан қуриш белгиланган бўлса-да, амалда “Б-В” ва “З-7” ўқлар оралигидаги парда деворлар керамик гиштлардан терилгани аниқланди. Мазкур ҳолатлар юзасидан жойида бузириш ишлари амалга оширилди ҳамда қурилиш учун масъул шахсларга бажарилиши шарт бўлган ёзма кўрсатмалар берилди. Аниқланган камчиликлар тўлиқ бартараф этилгунга қадар ҳар икки ҳолатда ҳам қурилиш ишлари вақтинча тўхтатилди.

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 16 июнь кuni ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши ва аҳолини қийнаётган масалалар таҳлили бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Унда энди туманларда ёндашув ҳам, бошқарув тизими ҳам ўзгариши, яъни, иқтисодиёт ва молия, инвестиция, қишлоқ хўжалиги, бандлик, қурилиш, экология, маданият, оила ва хотин-қизлар, ёшлар масалалари бўйича 9 та давлат идорасининг туман бўлими ҳокимлик тизимида ўтиши маълум қилинди.

Шунингдек, ҳокимларга одамлар сайр қиладиган жойлар, яшиллик ва болалар майдончаларини кўпайтириб, халқни рози қилиш талаби кўйилди.

# Янги футбол академияси иш бошлади

Бекжон Жўрақулов, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Жиззах вилоятида футбол соҳасини ривожлантириш йўлида навбатдаги муҳим қадам қўйилди. Жиззах шаҳрида замонавий талабларга жавоб берадиган, ёш иқтидорларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг профессионал ўсишини таъминлашга хизмат қиладиган янги Футбол академиясининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Жиззах вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Улугбек Мустафоев, маҳаллий давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, футбол мутахассислари, ёш футболчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мамакатимиз раҳбари ташаббуси билан охириг йилларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасига алоҳида эътибор қаратилляпти, - дея таъкидлади Улугбек Мустафоев. - Спорт инфратузилмасини янгилаш, замонавий спорт иншоотларини барпо этиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларни халқаро майдонларга олиб чиқиш - бугунги куннинг устувор вазифаларидан бирига айланган.

Мазкур академия Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилда қабул қилинган "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда шу асосда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар ижроси доирасида ташкил этилди.

Академия Жиззах шаҳридаги Қипчоқ маҳалласида жойлашган бўлиб, "Сўғдиёна" профессионал футбол клуби қошида фаолият юри-



тади. Унда ёш футболчиларнинг иқтидорини шакллантириш, тарбиялаш ва уларни халқаро стандартларга мос равишда тайёрлаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, 120 нафар ўғил бола ва 34 нафар қиз болалар учун табиий ва сунъий қопламали футбол майдонлари, спорт зали, замонавий сузиш ҳавзаси, тренажёр зали, ўқув хоналари, ётоқхона, ошхона ва кутубхона фойдаланишга топширилди.

Таълим ва машғулот жараёнлари FIFA ва AFC каби халқаро ташкилотларнинг талаблари асосида йўлга қўйилган. Академия мураббийлари етарли билим ва тажрибага эга бўлиб, улар ёшларни нафақат спорт йўналишида, балки ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишади. Академияда иқтидорли болаларни саралаб олиш бўйича махсус тизим жорий қилинган бўлиб, Жиззах вилоятининг барча туманларидан иқтидор соҳиблари танлаб олинади. Бу эса барча болалар учун тенг имконият яратишга хизмат қилади.

Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги ПК-465-сонли қарори асосида амалга оширилди. Лойиҳа буюртмачиси Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" ИК ДУК, пудратчи "Иштихон транс сервис" МЧЖ, лойиҳачи "Univer pro stile" МЧЖ ҳисобланади. Лойиҳа қиймати 51,7 миллиард сўмни ташкил қилди.

Ушбу Футбол академиясининг фаолият бошлаши нафақат Жиззах вилояти, балки бутун мамлакат миқёсида футболнинг оммалашуви, иқтидорли спортчилар етишиб чиқиши ва Ўзбекистон футбол келажигининг мустақам пойдевори сифатида муҳим аҳамият касб этади.



## Имом Мотуридий мажмуаси кенгайди

Ҳамза ШУКУРОВ,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Чокардиза - Самарқанд шаҳрининг Регистон мажмуаси яқинида, ҳозирги Робент, Гиждунов ва Бухоро қўчалари оралиғида жойлашган тарихий мавзе. Илк ўрта асрларда бу ерда ҳарбий истеҳком бўлган. Чокардиза "чокар" - жангчи, "диза" - қалъа, яъни, жангчилар қалъаси - сўзидан олинган.

Қалъа ёнида Чокардиза канали ва шу номдаги қабристон ҳам бўлган. 2000 йилда Чокардизада катта таъмирлаш ишлари олиб борилиб, Мотуридий ёдгорлик мажмуи бунёд этилган эди. Маълумотларга кўра, имом Абу Мансур Мотуридий мажмуаси жойлашган Чокардиза қабристонини ҳудуди 20 гектарга яқин бўлган. У ерда қўллаб олим фузалоларнинг қабрлари мавжуд.

Давлатимиз раҳбарининг қарорига кўра, бу йил юртимизда Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллиги кенг нишонланади. Шу муносабат билан Самарқанд шаҳридаги Имом Мотуридий мажмуасини обод қилиш, ҳудудда қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш белгиланган. Яқинда мамлакатимиз Президентининг Самарқандга ташрифи чоғида қурилиш ишлари тақдироти ўтказилган эди. Реконструкция ишлари мобайнида мажмуада 1500 ўринли масжид, илмий марказ, кутубхона, музей ва зиёратгоҳ, улар яқинида автотураргоҳ барпо этилади. Шунингдек, мажмуа ҳудудида иккита минора, айвон ва айвончалар қурилади. Бундан ташқари, ҳудуддаги айрим турар ва нотурар жойлар бузилиш эҳтимоли ҳам мавжуд.

Мажмуа жойлашган "Шарк" МФЙ раиси Бахтиёр Тўхтамурадов Имом Мотуридий юбилейига тайёргарлик ишларига алақачон киришилгани ҳақида қўйидагиларни гапириб берди:

- Мажмуани кенгайтириш мақсадида маҳалламизда бир қанча турар жойларнинг бузилиши аниқ бўлиб қолди, - деди у. - Ҳозиргача шундай хонадон эгаларидан юз нафардан зиёдининг розилиги асосида кўчириш ишларига киришилди. Уй эгалари ўзлари танлаган ҳудуддан уй-жойга эга бўлишга икки уларга бозор нархида уй-жойларнинг пуллари берилляпти.

- Лойиҳага кўра, мажмуа келгусида бутун дунё мусулмонлари келиб, зиёрат қиладиган қадамжого айланади, - деди "Маданий мерос ЛИТИ" МЧЖ бош директори Жаҳонгир Раҳмонов. - Шу сабаб, унда ҳар томонлама етарли даражадаги шароитлар яратилиши зарур. Дастлаб, мақбара тўлиқ таъмирдан чиқарилади. Шунингдек, бошқа муҳим аҳамиятга эга бўлган иморатлар қурилиши ҳам тезлаштирилиб, ободончилик ишларига эътибор қаратилади. Жумладан, минг туپдан ортик манзарали даракт кўчалари ўтказилиб, зиёратчилар эътиборига тушадиган гўзал бог яратилади.

## Бунёдкорлик орқали аҳоли фаровонлигини ошириш мақсад қилинган

Шухрат НОРМУРОДОВ,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Инсон қадрни тамойили асосида бугун мамлакатимизда амалга ошириляётган ислохотлар манзил танламайди, хоҳ чекка бўлсин, хоҳ чегара, ҳар бир гўшадан қурилиш, бунёдкорлик ишлари жадал амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидаги энг муҳим омил бу - бунёдкорлик орқали аҳоли фаровонлигини оширишдир.

Хусусан, Навоий вилоятида ҳам бугун аҳоли турмуши фаровонлигининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланган уй-жойлар қурилишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, вилоятда ўтган йилдаги дастурлар доирасида 4 734 та хонадонли 67 та уй-жой фойдаланишга топширилган. Жорий йилда эса давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 21 февралдаги "Уй-жой ва ипотека бозорини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, 5 500 хонадонли 69 та уй-жой фойдаланишга топширилиши белгиланган. Шундан, "Янги Ўзбекистон" массивларида 842 хонадонли 10 та, талаб юқори бошқа ҳудудларда 4 658 хонадонли 59 та уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилмоқда.

Президентимиз тамал тошини қўйган ҳамда ҳозирда қурилиш ишлари жадаллик билан амалга ошириляётган "Янги Навоий" шаҳарчаси лойиҳасининг умумий майдони 1 100 гектарни ташкил этиб, биринчи босқичда 450 гектарда бунёдкорлик ишлари олиб боришмоқда. Ушбу лойиҳа Навоий шаҳри марказининг ободонлаштириш, инвесторлар учун жозибадорлигини ошириш, замонавий объектлар қуриш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида амалга ошириляпти. Шаҳарчадан йирик замонавий бизнес марказлари, кўп қаватли уйлар, катта кутубхона, кўнглиочар ва истироҳат боғлари, сунъий қўл, хунарманчилик устаноналари ҳамда бошқа қатор бино ва иншоотлар ўрин олади.

Шунингдек, вилоят миқёсида яна бир лойиҳа - Навоий шаҳрида ёшлар тадбиркорлик сановат зонаси ҳам қад ростламоқда. Унинг майдони 36 сотих бўлиб, лойиҳа қиймати 38 миллиард сўмни ташкил этади. Ижарага берилладиган хоналар сони 103 та ва бу ерда келажакда 300 тагача янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Ёшларга бу ерда замонавий касблар ўргатилади ҳамда махсулотлар сотуви йўлга қўйилади.

Кейинги йилларда вилоят маркази ва туманлар ўзгача кифоа касб этиб, янги қуриляётган бинолар, кўп қаватли уйлар, замонавий массивлар ҳисобида кун сайин кўркاملашиб бормоқда. Урбанизация ҳисобига аҳоли сони кўпайиши, инфратузил-



ма тармоқларидаги ҳаддан ташқари юқламалар, транспорт ҳаракатидаги тирбандликлар, чанг, ту-тун - буларнинг барчаси шаҳарлар ҳудудини кенгайтиришни ва кўпроқ яшил майдон яратишни тақозо этади. Кўп хонадонли биноларнинг кўкаламзорлаштириш майдони умумий объектнинг 25 фоизидан кам бўлмашлиги шаҳарсозлик норма ва қоидаларида қатъий белгилаб қўйилган. Бунинг учун айти вақтда шаҳарда сўғориш тизимини яхшилаш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Ушбу ишларни сифатли ташкил этиш учун янги ва замонавий техника воситалари харид қилинди.

- "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида экиляётган даракт ва гул кўчатлари шаҳар кифоасига янада кўркамлик бағишламолда, - деди Навоий шаҳар ободонлаштириш бошқармаси масъул ходими Изатилло Бегашов. - Янги кўп қаватли уйлар қурилиб, шаҳар ҳудуди кенгаётгани боис, ҳар бир жараёнда яшил майдонларни белгиланган ҳажмда ва тартибда барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борда қурувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бориляпти. Экилган даракт ва гул кўчатларини ёз фаслида барқарор сўғориш тизими билан таъминлаш энг долзарб ва зифамизга айланади. Бунинг учун сўғоришга мўлжалланган замонавий техника воситалари харид қилинди. Уларнинг афзаллиги - кўп меҳнати камаюди ва сув исроф бўлишининг олди олинади.

Албатта, Янги Ўзбекистонимиздаги бу каби бунёдкорликлар замирида энг аввало, инсон манфаати мужассамдир.

## Кўп қаватли уйларда шароитлар янада яхшиланмоқда

Бекзод АҲМАДҚУЛОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида кўп қаватли уйларда энергия самарадорлигини ошириш, замонавий иссиқлик таъминоти тизимларини жорий этиш ҳамда уй-жой фондини янгилаш масалаларига бағишланган пресс-тур ташкил этилди. Унда республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерлар ҳамда турли соҳа мутахассислари иштирок этишди.



Тадбир доирасида иштирокчилар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева ҳамроҳлигида Гулистон шаҳрининг Бўстон ва Буюк келажак маҳаллаларида жойлашган 90 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатаётган "Истиқлол коммунал хизмат таъмир" бошқарув-сервис компанияси ҳамда шу маҳаллада Эрон технологияси асосида қурилиб, фойдаланишга топширилган РК-1 ва РК-2 қозонхоналари фаолияти билан янгидан танишди.

Мазкур марказлашган иссиқлик таъминоти объектлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг иқтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида барпо этилган бўлиб, улар орқали 52 та кўп қаватли уйдаги 2 409 та хонадон мунтазам равишда иссиқлик энергияси билан таъминланмоқда. Лойиҳани амалга ошириш учун республика бюджетининг 22,5 миллиард сўм маблағ ажратилган. Қозонхоналар замонавий, энергия тежовчи ускуналар билан жиҳозланган. Улар орқали йилга 3,5 миллион куб метр табиий газ ва 12,8 миллион кВт/соат электр энергияси тежалиши таъминланади.

- Қўриб турганингиздек, Сирдарё вилоятида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан кенг қўлламадаги қурилиш, реконструкция ва модернизация ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда, - деди Озода Жўраева.

- Бу фақатгина кўчмас мулк объектларининг техник ҳолатини яхшилаш эмас, балки аҳоли учун қулай, хавфсиз ва муносиб турмуш шароитини яратишга қаратилган кенг қамровли ислохотларидир. Ҳар бир лойиҳа марказида инсон манфаати турибди - яъни, фуқароларга муносиб яшаш шароити яратиш, ҳаёт сифатини ошириш ва уларнинг кундалик эҳтиёжларини таъминлаш устувор мақсад қилиб белгиланган. Бу каби ўзгаришлар нафақат шаҳар инфратузилмасининг замонавийлашуви, балки халқимиз турмуш даражасининг юксалишига ҳам туртки бўлади.

Пресс-тур доирасида иштирокчилар кўп қаватли уйларнинг фасад қисмларини энергия тежовчи замонавий материаллар билан изоляция қилиш, уй-жой инфратузилмасини яхшилаш ва ободонлаштириш йўналишида олиб бориляётган амалий ишлар билан ҳам танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сирдарё вилоятида инфратузилмани ривожлантиришга доир қарори асосида ҳудудда 215 та кўп қаватли уйни қамраб олган махсус манзилли рўйхат шакллантирилган. Ушбу дастур доирасида уйларнинг том ва фасад қисмларини таъмирлаш, иссиқлик таъминоти ҳамда муҳантисдик коммуникация тармоқларини яхшилаш ва атроф-муҳитни ободонлаштириш ишлари режалаштирилган. Ҳозирда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредит маблағлари ҳисобидан Гулистон шаҳридаги 122 та кўп қаватли уйнинг фасад қисми базальт асосидаги энергия тежовчи изоляция материаллар билан қопланмоқда. Ушбу ишлар натижасида кўп қаватли уйлар нафақат эстетик жиҳатдан янгиланмоқда, балки уларнинг энергия самарадорлиги ҳам оширилиб, аҳоли учун қулай ва барқарор турмуш шароити яратилляпти.

Айти пайтда мазкур маҳалла-ларда қурилиш-пудрат ташкилотлари томонидан таъмирлаш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда. Бунёдкорлик ишларига малакали мутахассислар жалб этилган бўлиб, объектларни белгиланган муддатларда сифатли ва самарали ишларни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилляпти. Амалга ошириляётган бунёдкорлик ва таъмирлаш ишлари маҳаллий аҳоли томонидан катта мамнуният ва миннатдорлик билан қарши олинмоқда. Айтик, кўп йиллар давомида ечиммай келаятган инфратузилма муаммоларининг барқарор яратишга фуқаролар учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бўстон маҳалласининг кўп йиллик фаоли, меҳнат фахрийси Гулчехра Пардаева бу борда шундай фикр билдирди:

- Баъзи уйлар қурилганига 40-50 йил бўлган. Илгари ёмғир ёғса, томдан сув оқарди, ёз фаслида эса уй ичида ўтиришнинг иложи бўлмади. Истиқлол тизими ҳам дەرли ишламасди. Бутун эса Президентимизнинг ташаббуси туфайли томиримиз янгиланди, фасадлар базальт материаллар билан қопланди. Уйларимиз нафақат чиройли кўринишга эга бўлди, балки кишида совуқдан, ёзда иссиқдан химоя қилинадиган мустақам биного айланди. Ҳозирда доимий иссиқ сув ҳам бор. Биз кексалар учун бу каби шароитлар жуда катта қулайликдир. Бундан жуда хурсандимиз.

- Кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш сифати яхшилангани сабабли одамлар бизнинг компанияга ишонч билан мурожаат қилмоқда, - деди "Истиқлол коммунал хизмат таъмир" бошқарув сервис компанияси раиси Замира Зулфиконова. - Бугунги кунда етарлича ишчи кучи ва замонавий техник базамиз мавжуд. Шунингдек, 24 соатлик диспетчерлик хизмати фаолият юритмоқда. Бу орқали ҳар қандай муаммога тез ва аниқ жавоб қайтариш имконимиз бор. Маҳаллий аҳолининг розилиги ва мамнуниги бизнинг фаолиятимизга берилган энг катта баҳоидир.

- Бундан ўн беш йил аввал уйларимизнинг ертўласи оқава сув билан тўларди, - дея сўхбатга қўшилиш ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи фуқаро Мухаммадҷон Абдураулов. - Пашша ва чивинларнинг дастидан тинчлик бўлмади. Бутун эса ертўла-лар қуруқ ва тоза, санитария ҳолати анча яхшиланди. Энди аҳоли ҳаётида ҳақиқий ўзгаришлар кузатилмоқда. Гулистондаги ислохотлар натижаси ҳар бир хонадонга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Пресс-тур иштирокчилари нафақат Сирдарё вилоятида, балки республика миқёсида ҳам Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган кенг қўллами бунёдкорлик ишлари ҳамда коммунал хизматлар сифатини ошириш борасида амалга ошириляётган чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишди. Шунингдек, кўп қаватли уйнинг фасад қисми базальт асосидаги энергия тежовчи изоляция материаллар билан қопланмоқда. Ушбу ишлар натижасида кўп қаватли уйлар нафақат эстетик жиҳатдан янгиланмоқда, балки уларнинг энергия самарадорлиги ҳам оширилиб, аҳоли учун қулай ва барқарор турмуш шароити яратилляпти.

## ПРИГЛАШЕНИЕ К УЧАСТИЮ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

### РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

Регион: Бухарская область

Сектор: Развитие сельской инфраструктуры

Закупка работ

Инициатор проекта: Министерство экономики и финансов  
Республики Узбекистан

Источник финансирования: Исламский банк развития и  
"ОПЕК" международный фонд развития.

Номер заемного соглашения: UZB-1023

Название проекта: Устойчивое развитие сельской  
местности

1. Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов, настоящим приглашает правомочных участников представить запечатанные тендерные предложения на выполнение вышеуказанных работ:

- OFID-BKH-W-01** – ремонт основных и внутренних дорог МСГ "Хужаработ", "Кулхатиб", "Шанба" Вобкентского района Бухарской области;
- OFID-BKH-W-02** – ремонт основных и внутренних дорог МСГ "Гарибшох", "Хажувон", "Софидехкон" Вобкентского района Бухарской области;
- OFID-BKH-W-03** – ремонт основных и внутренних дорог МСГ "Амиробод-Гулистон", "Талаиен", "Кунжикала", "Новметан" Бухарского района Бухарской области;
- OFID-BKH-W-04** – ремонт основных и внутренних дорог МСГ "Истикбол", "Работак" Бухарского района Бухарской области;
- OFID-BKH-W-05** – ремонт основных и внутренних дорог МСГ "Саховат", "Янгитурмуш" Бухарского района Бухарской области;
- OFID-BKH-W-06** – ремонт основных и внутренних дорог МСГ "Бобохайлар", имени Бобура, "Дурмон", "Пахтабод" Шофирканского района Бухарской области;
- OFID-BKH-W-07** – ремонт основных и внутренних дорог МСГ "Пашмон", "Тезгузар", "Хоркаш" Шофирканского района Бухарской области.

2. Тендерные торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными Исламским банком в "Руководстве по закупке товаров, работ и сопутствующих услуг при финансировании проектов ИБР", опубликованном в апреле 2019 года, и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в руководстве. Кроме того, обратите внимание на пункты 1.18-21, излагающим политику ИБР в отношении конфликта интересов.

3. Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Объединенной группе реализации проектов при Мини-

стерстве экономики и финансов и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты безвозвратного взноса для покрытия расходов по распечатке и рассылке, размер которого для каждого комплекта тендерной документации по 1 пакету составляет **1 250 000 сум. Способ оплаты** – банковский перевод на нижеуказанный счет.

#### ДЛЯ ПОСТУПЛЕНИЙ В СУМАХ:

**Получатель:** Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов.

**Адрес и телефоны получателя:** 100017, г. Ташкент, ул. Ниезбек йули, 1, 4-й этаж, правый блок. **Тел.:** (+998 71) 207-84-07.

**Банк получателя:** Ташкент-й фил. АКИБ "Ипотека-банк" МФО 00419.

**Р/с получателя в сум:** 2021 0000 7052 9450 7007

**ИНН, ОКОНХ получателя:** ИНН: 307 829 948

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 120 дней после вскрытия конкурсных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии.

**Тендерные предложения должны быть доставлены в офис ОГРП по адресу:**

**Внимание:** г-на Б. Эгамова, Директора ОГРП.

**Адрес:** Республика Узбекистан, 100017, город Ташкент, ул. Ниезбек йули, 1, 4-й этаж, правый блок.

**Телефон:** (998 77) 363-37-35.

**Электронная почта:** f.abdullayev@uzrd.uz

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее **15.00 (по ташкентскому времени) 14 июля 2025 г.**, когда они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены.

**Вскрытие пакетов состоится в 15.15 (по ташкентскому времени) 14 июля 2025 г. в офисе Объединенной группы реализации проектов при Министерстве экономики и финансов (4-этаж) по адресу:** ул. Ниезбек йули, 1, г. Ташкент, Республика Узбекистан.

## ПРИГЛАШЕНИЕ К УЧАСТИЮ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

### РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

Регион: Навоийская область

Сектор: Развитие сельской инфраструктуры

Закупка работ

Инициатор проекта: Министерство экономики и финансов  
Республики Узбекистан

Источник финансирования: Исламский банк развития и  
"ОПЕК" международный фонд развития.

Номер заемного соглашения: UZB-1023

Название проекта: Устойчивое развитие сельской  
местности

1. Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов, настоящим приглашает правомочных участников представить запечатанные тендерные предложения на выполнение вышеуказанных работ:

- OFID-NAV-W-01** – ремонт внутренних дорог МСГ "Оқ мачит", "Хафориён", "Пахтабод", "Тожижон" Кызылтепского района Навоийской области;
- OFID-NAV-W-02** – ремонт внутренних дорог МСГ "Барозун", "Арабхона", "Азизабод" Кызылтепского района Навоийской области;
- OFID-NAV-W-03** – ремонт внутренних дорог МСГ "Каловат", "Катта мачит" Карманинского района Навоийской области;
- OFID-NAV-W-04** – ремонт внутренних дорог МСГ "Барк" Карманинского района Навоийской области;
- OFID-NAV-W-05** – ремонт внутренних дорог МСГ "Тулобод", "Талкок" Карманинского района Навоийской области;
- OFID-NAV-W-06** – ремонт внутренних дорог МСГ "Дустлик", "Азамат", "Янгибад" Карманинского района Навоийской области;
- OFID-NAV-W-07** – ремонт внутренних дорог МСГ "Кахрамон", "Кумушкон" Карманинского района Навоийской области;
- OFID-NAV-W-08** – ремонт внутренних дорог МСГ "Тужбогтепа", "Коровултепа" Навбахарского района Навоийской области;
- OFID-NAV-W-09** – ремонт внутренних дорог МСГ "Арабхона", "Келачи" Навбахарского района Навоийской области;
- OFID-NAV-W-10** – ремонт внутренних дорог МСГ "Кухрон", "Чорвокузар" Навбахарского района Навоийской области;
- OFID-NAV-W-11** – ремонт внутренних дорог МСГ "Навбахор", "Буркут" Навбахарского района Навоийской области.

2. Тендерные торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными Исламским банком в "Руководстве по закупке товаров, работ и сопутствующих услуг при финансировании проектов ИБР", опубликованном в апреле 2019 года, и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в руководстве. Кроме

того, обратите внимание на пункты 1.18-21, излагающим политику ИБР в отношении конфликта интересов.

3. Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Объединенной группе реализации проектов при Министерстве экономики и финансов и ознакомиться с тендерной документацией на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты безвозвратного взноса для покрытия расходов по распечатке и рассылке, размер которого для каждого комплекта тендерной документации по 1 пакету составляет **1 250 000 сум. Способ оплаты** – банковский перевод на нижеуказанный счет.

#### ДЛЯ ПОСТУПЛЕНИЙ В СУМАХ:

**Получатель:** Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов.

**Адрес и телефоны получателя:** 100017, г. Ташкент, ул. Ниезбек йули, 1, 4-й этаж, правый блок. **Тел.:** (+998 71) 207-84-07.

**Банк получателя:** Ташкент-й фил. АКИБ "Ипотека-банк" МФО 00419.

**Р/с получателя в сум:** 2021 0000 7052 9450 7007

**ИНН, ОКОНХ получателя:** ИНН: 307 829 948

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 120 дней после вскрытия конкурсных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии.

**Тендерные предложения должны быть доставлены в офис ОГРП по адресу:**

**Внимание:** г-на Б. Эгамова, Директора ОГРП.

**Адрес:** Республика Узбекистан, 100017, город Ташкент, ул. Ниезбек йули, 1, 4-й этаж, правый блок.

**Телефон:** (998 77) 363-37-35.

**Электронная почта:** f.abdullayev@uzrd.uz

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее **15.00 (по ташкентскому времени) 15 июля 2025 г.**, когда они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены.

**Вскрытие пакетов состоится в 15.15 (по ташкентскому времени) 15 июля 2025 г. в офисе Объединенной группы реализации проектов при Министерстве экономики и финансов (4-этаж) по адресу:** ул. Ниезбек йули, 1, г. Ташкент, Республика Узбекистан.

## ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

### "Zamonaviy realtor xizmati" МЧЖ

очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

"Zamonaviy realtor xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖнинг 2025 йил 10 июндаги 254-сонли буюртманомасига асосан, "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖ ҳудудида жойлашган савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

№	Савдо шохобчаларининг асосий тавсифлари	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	<b>38-5А</b> -сонли, умумий майдони <b>20,0 м²</b> бўлган савдо шохобчаси	320 000 000
2.	<b>38-17А</b> -сонли, умумий майдон <b>20,00 м²</b> бўлган савдо шохобчаси	320 000 000
3.	<b>46-6</b> -сонли, умумий майдони <b>9,00 м²</b> бўлган савдо шохобчаси	144 000 000
4.	<b>46-8</b> -сонли, умумий майдони <b>9,00 м²</b> бўлган савдо шохобчаси	54 000 000
5.	<b>19/14</b> -сонли, умумий майдони <b>36,00 м²</b> бўлган савдо шохобчаси	648 000 000

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Таклифларни қабул қилишнинг охири мuddати:** 2025 йил 18 июль куни соат 16.00 гача.

Талабгорларнинг таклифлари 2025 йил 21 июль куни соат 11.00 дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2025 йил 4, 19 август, 2, 16, 30 сентябрь кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

**жисмоний шахслар** – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 30 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида "ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Таклифи маъқул топишган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил:** Ташкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-А уй.

**Телефон:** 71-237-23-82.

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Мираки қишлоғи ҳудудида замонавий меҳмонхона мажмуаси қурилишини яқунлаган "Miraki Hostel" МЧЖ ташкилоти ушбу қурилиши тугалланган бинони қурилишдан кейинги тозалаш ишларини амалга оширувчи ташкилотни танлаш бўйича

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Тозалаш ишлари меҳмонхонани тўлиқ қувватда қабул қилишга яроқли ҳолатга келтириш лозим. Шу билан бирга, тозалаш воситалари меҳмонхона ускуна ва анжомларига зарар етказмаслиги, уларга салбий таъсир ўтказмаслиги шарт.

Тозалаш ишлари бўйича қўшимча маълумот, тозалаш майдонлари, бино схемаси ва бошқа саволлар бўйича қуйидаги рақам билан боғланиш мумкин: 33-100-19-83.

Шу билан бирга, тижорат таклифларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириб, қуйидаги манзилга тақдим этишнингизни сўраймиз: Ташкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор кўчаси, 52-Б" уй.

Мурожаат учун тел.: 33-100-19-83.

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Мираки қишлоғи ҳудудида замонавий меҳмонхона мажмуаси қурилишини яқунлаган "Miraki Town Plaza" МЧЖ ташкилоти ушбу қурилиши тугалланган бинони қурилишдан кейинги тозалаш ишларини амалга оширувчи ташкилотни танлаш бўйича

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Тозалаш ишлари меҳмонхонани тўлиқ қувватда қабул қилишга яроқли ҳолатга келтириш лозим. Шу билан бирга, тозалаш воситалари меҳмонхона ускуна ва анжомларига зарар етказмаслиги, уларга салбий таъсир ўтказмаслиги шарт.

Тозалаш ишлари бўйича қўшимча маълумот, тозалаш майдонлари, бино схемаси ва бошқа саволлар бўйича қуйидаги рақам билан боғланиш мумкин: 33-100-19-83.

Шу билан бирга, тижорат таклифларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириб, қуйидаги манзилга тақдим этишнингизни сўраймиз: Ташкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор кўчаси, 52-Б" уй.

Мурожаат учун тел.: 33-100-19-83.

# САНГАРДАК ТУРИЗМ МАРКАЗИ – 615 гектарлик келажак маскани

Ғайрат БҮРИЕВ, Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг  
Ахборот хизмати бош мутахассиси.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда туризм соҳасига стратегик аҳамият берилмоқда. Хусусан, Сурхондарё вилоятининг табиий, тарихий ва маданий имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқариш, замонавий инфратузилмани шакллантириш, хорижий ҳамда маҳаллий сайёҳлар оқимини ошириш мақсадида қатор йирик лойиҳалар амалга ошириляпти.

Шулардан бири - Президентимиз томонидан қабул қилинган "Сурхондарё вилоятининг тоғли-рекреацион ҳудудларида туризм инфратузилмасини яхшилаш ҳамда замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга асосан бошланган кенг қўламли қурилиш ва ривожлантириш ишларидир. Мазкур қарор доирасида "Омонхона", "Сангардак" ва "Обиҳаёт" туристик марказлари ташкил этилмоқда. Хусусан, "Сангардак" туристик маркази 615 гектар майдонни қамраб олган ҳолда, умумий қиймати 913,3 миллиард сўм бўлган инвестицион лойиҳа ҳисобланади. Бу марказ нафақат ҳудуднинг иқтисодий ривожига хизмат қилади, балки экологик, маданий ва ижтимоий барқарорликка ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Лойиҳа доирасида умумий 21 та лотда жами 320 та объектни ўз ичига олган кенг миқёсда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Улар орасида 21 та замонавий ресторан, кафе ва барлар, 296 та дўкон ва савдо нуқталари, 1 та ёпиқ автотурагиргоҳ, 4 та "3 юдузли" ва 2 та "5 юдузли" меҳмонхона, 2 та "делуке" меҳмонхона, 10 та меҳмон уйи, 6 та бунгалло, 8 та сайр ва дам олиш



майdonи, санаторий ва маданий ҳордик масканлари, пикник ҳудудлари, "зиплайн" трассалари, 2 та соҳилбўйи майдонлари ҳамда йирик осма кўприк қурилиши режалаштирилган. Айни пайтда марказ ҳудудидаги кўплаб объектларда қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Хусусан, узунлиги 1,6 километр бўлган дор йўлининг бошланғич нуктаси ва ўрта қисмдаги тиргакларнинг бетонлаш ишлари якунланган бўлиб, қолган қисмларда ҳам босқичма-босқич ишлар олиб борил-



моқда. Мазкур дор йўли тоғли ҳудуддаги табиий манзараларни томоша қилиш, транспорт логистикасини энгиллаштириш ва экстремал туризм йўналишларини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади. Жами 224,6 миллиард сўмлик инвестиция маблағлари мазкур лойиҳага тўғридан-тўғри жалб этилган бўлиб, бу давлат-хусусий шериклик механизми орқали амалга ошириляпти. Сангардак туристик маркази нафақат ҳудуддаги сайёҳлик хизматла-

ри сифатини янги босқичга кўтарди, балки минглаб янги иш ўринларини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, маҳаллий маҳсулотларини бозорга олиб чиқиш имкониятини яратишда ҳам муҳим платформага айланади. Шунингдек, ушбу марказ Сурхондарёнинг уникал табиий имкониятларини ривожлантириш, экотуризм ва агротуризмни жорий этиш ҳамда маданий мерос объектларини жалб этувчи турлар орқали туризм соҳасида комплекс ёндашувни таъминлайди.

Бир сўз билан айтганда, "Сангардак" туристик маркази - бу нафақат Сурхондарё вилоятининг, балки бутун мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини намоён этувчи муҳим лойиҳа бўлиб, унинг амалга оширилиши келгусида юртимиз туризм харитасида янги эътироф этилган нуқталардан бирига айланишини таъминлайди. Ушбу марказ орқали нафақат сайёҳлар учун жозибдор муҳит яратилади, балки маҳаллий аҳоли учун ҳам барқарор туризм соҳасида имкониятлар юзага келади.



IJTMOIY-IQTISODIY GAZETA  
**O'ZBEKISTON  
BUNYODKORI**  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**

Шерзод Хидоятлов,  
(Тахрир хайъати раиси),  
Давронжон Адилов,  
Тоир Алиматов,  
Озода Жўраева,  
Сирожиддин Ошқувватов,  
Козим Туяганов,  
Юлдаш Мағрупов,  
Бобир Эмүрдов,  
Илҳом Аҳмедов.

**ТАХРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод  
Жалолов**

Бош муҳаррир  
ўринбосари **Райҳона  
Ҳўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал  
Мақкамов**

Мусахҳих **Марҳамат  
Мусулмонқулова**

Газета "Ўзбекистон бунёдкори"  
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан  
нашрга тайёрланади.

"ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ"  
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ  
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Қурилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги вазирлиги,  
"Ўзсанотқурилишматериаллари"  
уюшмаси, "ЎзГАШКЛИТИ" МЧЖ,  
"ЎзшахарсозликЛИТИ" ДМ,  
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,  
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,  
Навий кўчаси, 18-уй.  
**Телефонлар:**  
71-241-01-29 (кабулхона),  
71-241-01-43 (таҳририят),  
71-241-01-29 (бухгалтерия),  
71-208-12-00 (реклама ва обуна  
бўлими).  
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ХУДУДЛАРДАГИ  
МУХБИРЛАРИНИНГ  
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

Қорақалпоғистон  
Республикаси: 90-658-50-43.  
Андижон вилояти: 93-410-15-18.  
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.  
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.  
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.  
Навий вилояти: 99-731-17-40.  
Наманган вилояти: 91-365-07-36.  
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.  
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.  
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.  
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.  
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 0874-рақам билан  
рўйхатга олинган.  
Нашр индекси - 466.  
Буёнртма - 1-641.  
1996 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими А-2.  
Ҳажми - 2 табоқ, офсет усулида  
босилган. Баҳоси келишилган  
нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятта  
кепдан қўлёзмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.

Газета таҳририят компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан  
сифатли чоп этилишига  
"Шарқ" наشريёт-матбаа  
акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,  
"Буюк Турон" кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир -  
Р. Ҳўжаева.  
Навбатчи -  
А. Эгамбердиев.

ЎзА якуни - 22.00.  
Топширилди - 23.40. 123456

Газетанинг навбатдаги сони  
24 июнь кунни чиқади.

## ДУНЁГА МАШҲУР БРЕНД ОБОЙЛАРИ ҳақида биласизми?



Дунёда бошқа маҳсулотлар қатори қурилиш материалларида ҳам машҳур брендлар мавжуд. Улар сифатли материаллар, ноёб дизайн ва инновацион технологиялари билан ажралиб туради. Қуйида энг нуфузли обой брендлари билан танишишингиз мумкин.

**Versace Home** - люкс даражадаги эксклюзив обойлар. Қадимий грек услубидаги нақшлар, ёрқин ранглар ва олтин элементлар дизайнда тайёрланади. Юқори сифатли винил ва тўқимачилик материалларидан фойдаланилади.

**Ralph Lauren Home** - классик ва замонавий услубни бирлаштирган элегант дизайн. Табиий текстуралар материаллар, тўқимачилик ва ҳашаматли босма нақшлар. Америкага хос аънанавий услуб ва замонавий минимализм уйғунлигида яратилган.

**Gucci Décor** - дизайнлик обойлари, кўпинча гулли ва геометрик принтлардан фойдаланилади. Қўлда чизилган эксклюзив санъат асарлари. Экологик тоза ва чидамли материаллар асосида яратилади.

**Elitis** - жуда ноёб текстуралар ва инновацион материаллар. Ҳинд ипаги, шиша толаси ва металл элементлардан фойдаланиб ишлаб чиқилади. Чизиқли ва геометрик нақшлар, замонавий арт-деко услуби қўлланилади.

**Cole & Son** - аънанавий ва классик Британ услубидаги обойлар. Қўлда босилган нақшлар, табиатдан илҳом-

ланган дизайнлар. Кенг танлов ва сифатли материаллар.

**Amani/Casa** - Жоржио Армани уй декорига бағишланган обойлар коллекцияси. Ёрунлик ва соя ўйинлари, минималистик дизайн. Табиий материаллар ва пастел ранглар қўлланилади.

**Roberto Cavalli Home** - гламур ва ҳайвон нақшлари билан машҳур. Жуда кўркам, ҳашаматли ва қўлда ишланган босма тасвирлар. Олтин, бронза ва йўғон текстуралар материаллардан фойдаланилади.

**Zoffany** - Викторян даври услубидаги обойлар. Қадимий гулли ва қўл иши билан ясалган босма нақшлар. Экологик тоза ва чидамли винил, тўқимачилик материаллари асосида яратилади.

**Harlequin** - замонавий ва рангли дизайнлар. Жонли геометрик, гулли ва абстракт нақшлар. Чидамли винил ва эко-материаллардан фойдаланилади.

**Sanderson** - ретро ва табиий услубдаги, аънанавий Британ обойлари. Табиатдан илҳомланган дизайнлар (гуллар, дарахтлар, ҳайвонлар).

Ўз мухбиримиз.

## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2025 йил июнь ойининг 17-23 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти бош мутахассиси **Йўлдош Раҳматов**, Халқаро ҳамкорлик ва Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш ҳамда ДХШ ва инвестиция лойиҳаларини шакллантириш бошқармаси бошлиғи **Равшанбек Ҳабибуллаев**, "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ директор ўринбосари **Эркин Искандаров**, бош бухгалтер **Бобур Ҳўжақулов**, ҳайдовчи **Оттабек Рустамбеков**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти Лойиҳалаштириш бўлими бош мутахассиси **Баҳромбек Раҳимов**, Стандартлаштириш бошқармаси мутахассиси **Ҳасанбой Абдуфаттоҳов**,

"Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi" Davlat xaridlarini tashkil qilish va amalga oshirish b'limi etakchi mутахассиси **Шаҳзода Эшмуродов**,

"Urbanizatsiya va shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish Respublika markazi" ДМ Ахборот таҳлил, ижро интизоми ва мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассиси **Ойбек Собиров**, ҳайдовчи **Алишер Йўлдашев**,

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" ДМ етакчи муҳандиси **Нина Шлюкова**,

"O'qon Loyiha Qurilish" МЧЖ муҳандис-лойиҳачиси **Умиджон Осупов**,

"ЎзгеорангметЛИТИ" АЖ ООПР ҳайдовчиси **Фаррух Ҳўжақулов**, ОИСК бош муҳандиси **Комилжон Мирзаев**, ЭТА бош мутахассиси **Игорь Олещук**,

"O'zshaharsozlik LITI" ДМ Архитектура ва қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси етакчи муҳандиси **Сайёра Курбонқулова**, бошқарманинг 3-устахонаси архитектори **Зебо Сайфутдинова**, Шахарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 1-устахонаси архитектори **Моҳиржон Тирров**, бошқарманинг 10-устахонаси техниги **Сунюбек Олмосов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Муружаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассиси **Надира Ембергенова**, Қораўзақ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Мухтар Усенов**, Кўнгирут тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими давлат хизматларини кўрсатиш бўйича етакчи мутахассиси **Расул Шамшетдинов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси қоровули **Бахтияр Қунназаров**,

Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси хўжалик ҳисобидеги Давлат хизматларини кўрсатиш бўлими бошлиғи **Алишер Турсунов**, Андижон шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Жамолиддин Мамадалиев**,

Бухоро шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Бехруз Бахшуллаев**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Фозил Ҳайдаров**, мутахассис **Мирзобек Қаямов**,

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Даврон Абдурашидов**,

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси хўжалик ҳисобидеги Давлат хизматларини кўрсатиш бўлими етакчи мутахассиси **Сарвар Равшанов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Ҳудудий инспекциялар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Баҳодиржон Алимов**,

Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Сардор Аминов**,

Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси рақамли технологиялар бўйича бош мутахассис **Жамол Каримов**, ҳайдовчи **Рустам Авезов**, Тупроққалъа тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Жамшидбек Аббазов**,

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси уй-жой ва коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассис **Шухратжон Ҳошимов**,

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси рақамли технологиялар бўйича бош мутахассис **Жамол Каримов**, ҳайдовчи **Рустам Авезов**, Тупроққалъа тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Жамшидбек Аббазов**,

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимидagi "Иссиқлик манбаи" ДУК Жиззах вилояти бошлиғи **Зоҳиджон Раҳмонбердиев**,

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги "Sfat kommunal" МЧЖ БСК раҳбари **Зиёдулла Юнусмухамедов**, Олмазор туманидаги "New Olympic boshqaruv kompaniyasi" МЧЖ раҳбари **Ҳолида Тўлаганова** ва "Olmazor ta'mir servis boshqaruv kompaniyasi" МЧЖ раҳбари **Маҳбуба Джўраева**, Юнусobod туманидаги "Маржона сифатли сервис" профессионал бошқарув компанияси раҳбари **Даврон Қосимов** ва "Бекиров анд Миршахидов" БСК раҳбари **Ризо Бекировларни** таваллуд кунини билан чин дилдан муборокаб этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК,  
УЗОҚ УМР,  
ОИЛАВИЙ СОТИРЖАМЛИК,  
МУСТАҲКАМ ҲОҒЛИК ТИЛАЙМИЗ!**